

“Киберхавфсизлик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти



Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими



20/05/2022




А. Исмаилов

Мундарижа

- Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашнинг жорий ҳолати.
- Киберхавфсизлик соҳасида дунёдаги вазият.
- Мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасида хавф ва муаммолар.
- Қонун қабул қилинишида эътиборга олинган омиллар.
- Асосий тушунча ва атамалар.
- Киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари.

Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашнинг жорий ҳолати

“.UZ” Интернет миллий сегменти кўрсаткичлари (2021 й.)




“.UZ” Интернет миллий сегментида 100015 та домен рўйхатга олинган бўлиб, улардан 38000 тага яқини фаолдир. Шулардан фақат 14014 таси хавфсиз, яъни SSL хавфсизлик сертификатига эга. Бошқа 613 та ҳолатда сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки сертификат мавжуд эмас.

Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашнинг жорий ҳолати

Зарарли ва шубҳали тармоқ фаолликлари (2021 й.)



Зарарли ва шубҳали тармоқ фаолликлари (оператор ва провайдерлар кесимида)



Киберхужумлар кўрсаткичлари



Киберхавфсизлик соҳасида дунёдаги вазият

Бугунги кунда турли вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиш, қонунга зид ахборотлар тарқатиш, хаккерлик ҳужумлари, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқига зид ҳаракатлар, кредит карточкаларидан пул ўғирлаш каби жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиб, унинг номи “кибержиноятчилик” деб аталмоқда.

Маълумотларга қараганда, кибержиноятчилик бир йилда дунё иқтисодиётига ўртача 26 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказмоқда. Бугун интернетдан фойдаланувчилар сони 3,5 млрд.дан ошгани, шунингдек, 20 млрд.га яқин қурилмалар интернетга уланган ҳолда ишлаётгани, яқин беш йилда мазкур кўрсаткичнинг икки баробарга ошишини эътиборга олсак, бу муаммонинг қанчалик жиддийлигини кўрсатади.

Киберхавфсизлик соҳасида дунёдаги вазият

Яқинда Буюк Британиянинг «Comparitech» тадқиқот компанияси томонидан киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 60 та давлат рейтинги эълон қилинди. Япония етакчи бўлган ушбу рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Рейтингни тузишда зарарланган мобил қурилма ва компьютерлар улуши, хакерлик ҳужумлари сони ва ҳужумларга тайёрланганлик, тегишли қонунчилик мавжудлиги каби асослар эътиборга олинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кибертаҳдидлар сони ва кўламининг ортиб боришига асосан давлат органлари ва ташкилотларининг белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қурилмалардан фойдаланаётгани сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, кибертаҳдидларнинг олдини олиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари мукамал эмаслигини тан олишимиз керак. Ҳатто бу бўйича ваколатли давлат органи, алоқа операторлари ва тармоқ эгалари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қонунчилик асослари ҳам таъминланмаган.

Мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасида хавф ва муаммолар

- қонунчиликда ахборот хавфсизлигига доир ҳуқуқий нормалар фақат қисман амалга оширилганлиги;
- давлат органлари ва алоқа операторлари ўртасида киберҳужумларни кузатиш уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик тизимининг мавжуд эмаслиги;
- давлат ахборот-коммуникация инфратузилмаси объектлари идентификация қилинмаган ва тасдиқланмаган ҳолда қолмоқда, бу Ўзбекистон учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин;
- муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида ахборот тизимлари ва ресурсларининг хавфсизлик тизимларининг баҳолаш усуллари мавжуд эмаслиги.

Қонун қабул қилинишида эътиборга олинган омиллар

Ўзбекистон Республикаси кибермаконида киберхавфсизлик масалаларига ягона ёндашувни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида киберхавфсизлик соҳасида ривожланган хорижий давлатлар Россия, Хитой, АҚШ, Қозоғистон, ва Сингапур тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш жараёнида манфаатдор вазирлик ва идораларининг экспертларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, баҳслар, учрашувлар, семинарлар ва видеоконференциялар ўтказилди.

Қонун қуйидагиларни таъминлайди:

- республика миқёсида киберхавфсизликни таъминлашга доир давлат сиёсатини амалда жорий этилиши;
- давлат томонидан киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий, илмий-техникавий ва норматив-услубий тамойилларини тартибга солиш;
- ахборот тизимлари ва ресурсларининг яхлитлигини сақлаш;
- ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш, бузиб кўрсатиш, нусха кўчириш, блоклаш каби рухсат этилмаган ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- Ўзбекистон Республикасининг ахборот тизимлари ва тармоқларига ноқонуний аралашувнинг бошқа шаклларига йўл қўймаслик тизимни такомиллаштириш.

“Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎзР Қонуни

- Қонунчилик палатаси томонидан **2022 йил 25 феврал** куни қабул қилинган;
- Сенат томонидан **2022 йил 17 март** куни маъқуллаган;
- **2022 йил 15 апрель** куни Президент томонидан имзоланган;
- **8 та боб, 40 та моддадан** иборат;
- **2022 йил 17 июлдан** қонуний кучга киради;
- Ўзбекистонда киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини президент белгилайди;
- Давлат хавфсизлик хизмати эса киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Асосий тушунча ва атамалар

Қонунда соҳадаги асосий тушунчаларга таъриф берилган. Унга кўра:

- **кибержиноятчилик** – ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси ҳисобланади;
- **кибермакон** – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳитдир.
- **киберхавфсизлик** — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати.

Киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари

Қонунга кўра, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатнинг **киберхавфсизлигини таъминлашда устувор** ҳисобланади.

Шунингдек, киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги **асосий принциплари** белгиланган:

- қонунийлик;
- кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги;
- киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув;
- киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокининг устуворлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик учун очиқлиги.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!**